

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА
ИНСТИТУТИ**




**Замонавий бино ва иншоотларни
лойиҳалаш, барпо этиш, техник
эксплуатация қилиш, реконструкциялаш
ва модернизациялашнинг долзарб
муаммолари**

**РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ**

2015 йил 27-28 апрель

ФАРҒОНА - 2015



3 – расм. Гиперболик – параболоид шаклидаги юза.

1 – мусбат эгриликли асосий парабола; 2 – худди шундай манфий эгриликли; 3 – тўғри чизикли ясовчи; 4 – параллел текисликлар.

$$z=kxy; \quad (4)$$

тенгламаси билан ифодаланиш мумкин. Улар учун:

$$k_x = \frac{\partial^2 z}{\partial x^2} = 0; \quad k_y = \frac{\partial^2 z}{\partial y^2} = 0; \quad k_{xy} = \frac{\partial^2 z}{\partial x \partial y} = k;$$

Фойдаланилган адабиётлар

1. Амиро И.Я., Зарункий В.А., Поляков П.С. Ребристме цилиндрические оболочки, 1974.

ҚИШЛОҚ ХУДУДЛАРИДА ОҚОВА СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Маматисаев Ғ. И., Тангатаров Х. - ФарПИ


Қишлоқ ҳудудларида марказлашган канализация тизимлари мавжуд бўлмаганлиги бугунги кунда қишлоқ аҳолисининг оқова сувларини олиб кетиш ва уларни тозалаш масалаларининг долзарб бўлишligига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда қишлоқ жойларида ҳосил бўлаётган оқова сувларнинг 90 % қайта ишланмай қолмоқда ва бу қишлоқ аҳолисига ноқулайлик олиб келмоқда.

Оқова сувларни тозалашнинг бир неча хил усули бўлиб, бугунги кунда оқова сувларни тозалашда кенг тарқалган усул бу биологик тозалаш усулидир. Оқова сувларни биологик тозалаш усулини ривожлантиришнинг асосий йўналиши, сувларни қабул қилишда биореакторлардаги биоценоз концентрациясини оширишдир.

Бу технологик жараёнларда энг самарали тозалаш иншоотлари турларидан бири СЕПТИКлардир. Бугунги кунда септиклардан фойдаланиш кўламини кенг тарқатиш зарурати туғилмоқда. Септиклар ёрдамида оқова сувларни биологик тозалаш жараёнини тадқиқ этиш, тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш ва қишлоқ шароитларида уларни лойиҳалаш ва канализация тизимидан фойдаланиш самарасини оширишда уларнинг ташкилий - техник ҳулосаларини ишлаб чиқиш илмий ҳамда амалий жиҳатдан долзарб вазифалардан биридир.

Бу тизимнинг асосий янгилиги окова сувларни тозалаш микроорганизмлар ёрдамида амалга оширилади ҳамда қайта ишлаш жараёнини ва окова сувларни тозалашни тўлиқ ўз ичига олади. Бу тозалаш тизими экологик хавфсиз ва окова сувларни тозалаш талабларига тўлиқ жавоб беради.

Окова сувларни тозалаш олдин курилманинг 1 камерасига тўкилади (1 расм, 1 сектор) у ерда тозалашнинг биринчи босқичи амалга оширилади. Биринчи жараёнда йирик ифлосликлардан окова сувлар бартараф этилади, эрлифт ёрдамида сув азротенкга юборилади (1 расм, 2 сектор). Септик курилмасининг асосий бўлим бўлиб бунда фаол бўлган бактериялардан окова сувлар тозаланади. Бу секторда 1 босқич тозалашдан қолиб кетган ифлосликлар қайта тозаланади. Қайта ишланган чиқиндилар ва бошқа турдаги чиқиндили чўкмалар сув таркибида қолади. Учинчи босқичда суюқлик пирамида номли тиндиргичга қуйилади (1 расм, 3 сектор).



1 расм. Септик курилмасининг тузилиши

Учинчи босқич тозалашда сув таркибидаги лойқалар пастга чўкади ва тозаланган сув сўнгги секторга ўтади (1 расм, 4 сектор). Тиндиргич остидаги филтрланган лойқалар вақти – вақти билан чиқариб ташланади. Окова сувларни тозалаш жараёни оддий бўлиб бунда махсус курилмалар ва билим талаб этмайди. Септик курилмаларини кишлоқ шароитда қўлланилиш афзалликларидан яна бири чўқиндилардан минерал ўғит сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Септикларни фойдаланиучиларнинг ўз эҳтиёжига мос келадиган турларини танлаш имкониятига ҳам эгадир. Фойдаланувчиларнинг сонига қараб септикларнинг турли моделлари мавжуд (септик 5, септик 8 ва бошқа).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Василенко А.И Водотведение Киев школа -1988 - 258с
2. Яковлев С.В. Биохимические процессы в очистки сточных вод Москва 1980 — 200с.
3. ҚМҚ 2.01.04-97. Ташқи канализация тармоқлари ва иншоотлар.